

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 88 (10.897) Баҳоси эркин нархда

ХОТИРА БОҚИЙДИР, ҚАДР — МУҚАДДАС

ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАБУСИ БИЛАН ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 9 МАЙ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА.

Халқимиз бу санани инсон хотираси ва қадрига эътиборнинг амалий ифодаси сифатида юксак қадрлайди. Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимиз кўрсатган жасорат ва ҳизматларнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқийс...

нашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди. Уларнинг дуолари эзгу ишларимизда бизга ҳамisha қанот бағишлайди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқининг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни баён этди: — Бугун иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 62 йиллик байрами кўни, — деди Президентимиз...

дан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур. Бу санани нишонлашдан мақсад, аввало, ғалабанинг моҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор чуқур англашдан, одамзодни ҳамisha хушёр бўлишга, теварак-атрофдаги турли хавф-хатарлару бало-қазолардан огоҳликка даъват этишдан иборат бўлмоғи лозим...



шу қўлтуғ санани 22 минг 251 нафар уруш қатнашчиси нишонлаган ади. Бу гаги байрамгача уларнинг ўн сақиз мингдан зиёдроғи етиб келди. Қариси бор унинг париси бор, дейди халқимиз. Шундай экан, биз қариларимизни авайлаб-асрашимиз, ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари учун қўлдан келганча иззат-иқром кўрсатишимиз зарур...

Бу муқаддас майдон, наъниҳи Хотира ва Қадрлаш куни, балки йил бўйи зияратчилар билан гавжум бўладиган масканга айланган. Бишлар бу ерга шунчаки томоша ёҳуд сайр учун келмайдилар, ўтганларни ёд этадилар. Бу туйғу бугунги тинч ва осийишта ҳаётимизни, тирликларни қадрлашга даъват этади. Ушбу майдонга келган ҳар бир инсон қалбда шу табарруқ юрт барчамизники, уни қўқ қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Президент Ислам Каримов шу куни пойтахтимизнинг Муスタқиллик майдонига туташ Молия вазирлиги газначилигининг янги биноси билан танишди.

Норали ОЧИЛОВ, Ўза шарҳловчи. Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиб, тадбирларда уруш ва меҳнат фахрийларига иззат-ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди.
•Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги «Шодлик» ресторанида 150 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам тадбири ўтказилди.
•Сурхондарё вилоятида мингдан зиёд иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва нуронийларга байрам арафасида ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.
•Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи Марказий Кенгашида бўлиб ўтган тадбир «Уч авлод учрашуви» деб номланди.
•Пойтахтимизда Ўзбекистон ревматологларининг конференцияси бўлиб ўтди.
•Анджондаги Бобур номидаги вилоят музыкали драма театрида бўлиб ўтган кечага кўп йиллик самарали меҳнати билан вилоятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган 350 нафар аёл тақлиф этилди.
•Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Хўжа» пансионатида «Ўзбекистон тёмир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси томонидан 300 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийлари учун катта байрам тадбири ўтказилди.
•Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг бир гуруҳ ижодкор талабалари 2750 йиллик тўйини нишонлаётган азим Самарқанд шаҳрига келди.
•Косоний Иқтисодиёт коллежида «Ҳамшира—2007» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.
•Анджонда Ёшларни спортга жалб этиш ҳамда унинг моддий-техника базасини такомиллаштиришда эришилган тажрибаларни мамлакатда кенг оммалаштиришга бағишлаган республика кўргазмалари ўқув-семинари бўлиб ўтди.
•Бухорода ҳарбий қисм аскарлари ўрта-сига «Балли, йигитлар» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

- Европа мамлакатларида 9 май «Европа куни» сифатида нишонланди.
•Францияда президентлик сайлови натижалари эълон қилинганидан сўнг юзага келган тартибсизликлар давом этмокда.
•Францияда президентлик сайлови натижалари эълон қилинганидан сўнг юзага келган тартибсизликлар давом этмокда.
•АҚШнинг Афғонистондаги қўмондонлиги мамлакат тинч аҳолисидан узр сўради.
•Африканинг Лесото давлатида мудҳиш автохалокат юз берди.
•Италияда 40 минг такси ҳайдовчиси мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш тўғрисида қабул қилинган қонунга қарши умуммиллий норозилик намойишини ўтказмокда.
•БМТ Хавфсизлик Кенгаши Либериянинг олмосларни экспорт қилишга қарши бундан 6 йил аввал жорий этган таъқиқлов санкциясини бекор қилди.
•Куни кеча Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (АИВА) навбатдаги жаҳон чемпионати ўтадиган давлат ва шаҳар номини эълон қилди.
•Бобур СОБИРОВ, Баҳодир МАМАЖОНОВ, «Жаҳон» АА

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТISОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ БОРАСИДА КАТТА ИСТИҚБОЛЛАРГА ЭГА»

ЎТГАН ҲАФТА ЯПОНИЯ ИҚTISОДИЁТ, САВДО ВА САНОАТ ВАЗИРИ АКИРО БОШЧИЛИГИДАГУ НУФУЗЛИ ДЕЛЕГАЦИЯНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ БЎЛИБ ЎТГАН ЭДИ. ТАШРИФ ЧОГИДА МЕҲМОНЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҚАТОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРИДА МУЗОКАРАЛАР ҲАҚИДА, ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР. ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Япониялик меҳмонлар Тошкентдан ўз ватанига қайтиши олдиндан «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири улар билан суҳбатда бўлди. Мен Ўзбекистонга биринчи марта ба келдим — дейди Япония экспорт ва инвестициянинг (НЕКСИ) раиси Хидеори Конно. Бу ерда ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз томонидан бизга кўрсатилган меҳмондўстликдан жуда таъсирландик. Мамлакатингиз эришган ютуқлар кишида катта таъсир қолдирди. Ўзбекистон айнақса, давлат қурилиши соҳасида, миллий тараққийнинг ўз мустақил йўлини яратиб борасида катта муваффақиятларни қўлга киритган. Ўзбекистон узлуқсиз ва жадвал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Янгиланиш жараёнилари шитоб билан рўй берапти. Биз янги биламизки, ўзбек халқи кўп замонлардан бери ўзининг очлиқлиги, барикенглиги ва хаётга кенг қамровли назар ташлаши билан ажралаб туради.

Япония нефть, газ ва металллар миллий корпорациясининг президенти (ЖОГМЕК) Исао Какефуданинг таъкидлашича, ушбу таширф Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янги даври бошланганидан далолат беради. Биз таширф чоғида ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан энергетика соҳасидаги икки томонлама алоқаларини фаоллаштиришни назарда тутувчи ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги меморандумни имзоладик, — деди у. — Хозирги пайтда Япониянинг энергетика сиёсати ўзгарди ва Ўзбекистон унда муҳим ўринлардан бирини эгалламоқда. Биз мамлакатингиз билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шарт-шароитлар асосида ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёриэмиз. Ўзбекистон ва Япония бир-бирининг талаб-эҳтиёлларини уйғунликда тўлдирива қолдириб, ўйламанки, мамлакатларимизда ҳамкорликни кенгайтиришга ўзаро иштирокчи мажбуриятимиз Ўзбекистон ва Япония халқларининг узоқ муддатли ва

хар икки томон учун манфаатли алоқаларига асос бўлади. Япония кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳамда минтакавий инновация ташкilotи (SMRJ) раиси Такао Сузуки ушбу таширф ҳар икки томон вакилларида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги жараёнлар ҳақида ахборот алмашиш учун янги имконият берганини таъкидлади. — Биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ислохотларининг бориши ҳақида ўзбек дўстларимиздан атофлича маълумотларни олдик, — дейди у. — Япония иқтисодиётининг бу жуда муҳим тармоғини ривожлантириш бобида катта тажрибага эгадир. Таширф давомида биз Ўзбекистон ҳам бу йўлда улкан муваффақиятларни қўлга киритаяётганини ишонч ҳосил қилдик. Икки мамлакат вакиллари ўртасидаги тажриба алмашувини ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади, шунингдек, қабул қилинаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширади, деб хисоблаймиз. — Ҳа, таширфимиз кўнгилдаги-

дек кечди, — дейди Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлигининг Европа, Яқин Шарқ ва Африка бўлими директори Тошиказу Масуяма. — Ўзбекистонга келишимиз олдиндан биз икки томонлама алоқаларини чуқурлаштириш имкониятларини муҳокама қилиш, имкони бўлса, олиш лойиҳалар ҳақида келишиб олишни хоҳлаган эдик. Бизнинг барча тақлифларимизни ўзбек ҳамкасбларимиз илқ қаршилагани ва хайрихолик билдиригани баробарида улар Ўзбекистон — Япония ҳамкорлиги йўналишлари юзасидан ўз қарашларини ҳам тақлиф этдилар. Биз энергетика, автомобилсозлик, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг бошқа истиқболли тармоқларидаги алоқаларни кенгайтириш йўллари муҳокама қилдик. Яқин келажақда бизнинг келишувларимиз ҳаётда ўз аксини топишига ишончим қомилдир. Япония ташки савдо ташкilotининг раиси (JETRO) Ясуо Хаяши ҳам таширф якунларидан қониқиб ҳосил қилганини билдирди. — Биз Тошкентда иқтисодиёт-

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИНИ КУЧАЙТИРИШГА, МОЛИЯВИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ЭРКИНЛАШТИРИШГА, ЖУМЛАДАН, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ УШБУ СОҲАДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШ ОМИЛИ БЎЛМОҚДА.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгагининг Шайхонтоҳур туман ҳудудий комиссияси негиздаги жамоатчилик кенгаши ҳам жорий йилда туманда фаолият юритаётган тадбиркор ва ишбилармонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти, тегишли органларнинг масъул ходимларини жалб қилган ҳолда режали иш юритмоқда.

Ушбу режаларга тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; назорат қилувчи органлар томонидан ҳужалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишларда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдирилишини назорат қилиб бориш; ўтказилган мониторингларда аниқланган ҳолатлар, тадбиркорлик субъектларининг шикоят ва таклифларини ҳудудий комиссия, назорат органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга етказиб бориш киради. Жумладан, аҳоли зич жойлашган ҳамда уюшган савдо майдонларида «Ишонч қутилари»ни ўрнатилган вазибаларни қамраб олиб, ҳозирда туман жамоатчилик кенгаши томонидан «Чорсу» бозори, «Ўзкўргазмасавдо» мажмуаси, Навоий кўчасидаги савдо рассталари ҳамда туман ҳокимлиги биносига қираверишига, (аввалгилари га кўшимча равишда) жами 10 та манзилга «Ишонч қутилари» ўрнатилган.

Шунингдек, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгагининг Шайхонтоҳур туман ҳудудий комиссияси негиздаги жамоатчилик кенгаши томонидан 1-чорак давомда 110 та текширув режалаштирилган бўлиб, амалда 143 та текширув ўтказилган ва бундан 34 таси режадан ташқари, қисқа муддатли текширишлардир. «Ишонч қутилари» назорат қилиб борилмоқда. Масалан, «Чорсу» бозоридаги кутига 2 январь куни кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ариза келиб тушди. Унда айтилишича, 560 та хусусий тургун савдо дўконлари электр таъминотисиз қолганлигидан шикоят қилишган. Ҳақиқатан кабелъ носоз ҳолга келганлиги боис таъминотда узилиш юзага келганлиги текширишлар орқали аниқланди ҳамда 3 февралда камчилик тўла бартараф этилиб, хусусий дўкон эгалари электр таъминоти билан таъминланди.

Эътиборли томони, доимий равишда амалдаги қонунчилик асосида кичик ва хусусий бизнес ривожига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, қабул қилинаётган қонунчиликка зид қарор ва фармоишларни ўрганиб чиқиш, хато ҳамда камчиликларни бартараф этиш, уларни таҳлил қилиш бўйича ишчи гуруҳи фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида жамоатчилик кенгаши ўтган ойдан бошлаб «Ишонч қутилари» ўрнатилган жойларда ахборот ва эълонлар жойлаштириш мўлжалланган стендлар ўрнатиш ишларини амалга оширмоқда. Бу юмушлар шу ой охиригача яқунлашни режаланган. Бундан ташқари, тадбиркорлар учун ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Аниқ режалар асосида амалга ошириладиган ишлар тадбиркорлардан келиб тушган ариза ва шикоятлар ўз навбатида ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланишига асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЮРТ КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА. ШУ БОИС ИСТИҚЛОЛ-ЙИЛЛАРИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ДАВЛАТ СИБСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ, ЁШЛАРНИ ҲАМ ЖИСМОНАН, ҲАМ РУҲАН ЕТУК БЎЛИШ ШАКЛЛАНИШИ УЧУН БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛА БОШЛАДИ.

Шунинг баробарида эртаими эгаларида мамлакатнинг равнақи, юртининг келажагига нисбатан масъулият ҳиссини шакллантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Муस्ताқил ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёш авлод онгига шу юрт, шу ватан катта умид билан қарашини сингирдириш улар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, фуқаролик паспортларини топириш маросимларининг ўтказилиши ҳам катта ҳаёт оstonасида турган Ўзбекистон фуқаролари қалбига гурур ва ифтихор тўйуларини уйғотади. Бунга пойтахтнинг Яққасарой тумани Абдулла Қаҳҳор маҳалласидаги 437-сонли милиция таянч пунктида бағоят ёшга етган ўғил-қизларга паспорт бериш маросимида яна бир бор амин бўлдик. Унда ота-оналар, қариндош-уруғлар, маҳалла фаоллари Тошкент шаҳар ИИБ Хорижа чикии келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ходимлари иштирок этди.

Тадбирда йилгиланларга паспорт бериш ва ундан фойдаланиш, фуқароликни қайд этиш ва рўйхатдан чиқариш тартиби, Юртбошимиз Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини тақомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни тўғрисида»ги Қарорлари мазмун-моҳияти юзасидан давра сўхбатлари ўтказилмоқда.

Алоуддин ГАФФОРОВ, «Туркстон-пресс» СУРАТЛАРДА: паспорт топириш маросимидан лавҳалар.



Ҳамкорлик

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Ўзбек халқининг маърифатпарвар шоири Аваз Ўтар:

Хар тилини билинг, Энди она одами жондир. Тил воситаю, робитаю, Олам жаҳондир, —

дея мисралар битганида мулоқот воситаси бўлмиш тилнинг қудратини юрак-юрагидан ҳис этган бўлса ажаб эмас.

Истиклол шарофати туйфули серкуёш дидеримизда тилим соҳаси ривожига катта эътибор қаратиладигани, мактаблар, коллежлар, лицейлар бунёд этилиб, ушбу зий масканларида минглаб ўқувчилар, талабалар турли хил фанлардан сабоқ олаётгани тахсинга сазовор. Дарвоқе, Муस्ताқиллик туйфули ўқув юртида хориж тилларини ёшларга пухта ўргатиш борасида бажарилаётган ишлар салмоғини икки оғиз сўз билан ифодалаш

амри маҳол. Шунингдек, турли миллат ва элат вакиллари ҳам Ўзбекистонда тинч, фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Хар бир миллат вакили ўз тилида таҳсил олиш ҳуқуқига эга. Бу борада қўлгина таълим масканларининг миллий маданият марказлари билан ҳамкорлиги катта самара бермоқда. Шуниси қувонарлики, ўзбек ўғил-қизлари эндиликда Аваз Ўтар орзу қилгандек, хоҳлаган миллат тилини ўрганиш имкониятига эга.

Юқоридаги фикримизга далил сифатида Мирзо Улуғбек туманидаги 209-мактабда Республика Корея миллий маданият

маркази билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишларни мисол келтириш мумкин.

Шуниси эътиборлики, мазкур илм масканида ёшлар инглиз тили билан бирга корей тилини ҳам пухта ўзлаштиришмоқда. Мактабда корей, рус, ўзбек ўқувчилари ахил, иноқ бўлишиб, инглиз, корей, рус, ўзбек тилларида сабоқ олишмоқда.

—Корей миллий маданияти билан беш йилдан бери ўрнатилган ҳамкорлик натижасида корей тили хонаси замонавий ўқув қуроллари, педагогик технологиялар, компьютер, телевизор билан таъминланган, — дейди бу ҳақда туман халқ таълими бўлими ходими М.Қодирова, — бундан мақсад ўқувчиларга бошқа халқларнинг

тили, маданияти, урф-одатларини ўрганишлари га имкон яратиш.

Куни кеча Корей миллий маданият маркази вакиллари иштирокида мактабда уюштирилган семинарда корей тили фанини ёшларга пухта ўргатишнинг истиқболли режалари белгилан олинди. Шунингдек, ўқитувчи Искра Ким раҳбарлигида корей тили ўқитувчилари иштирокида ўқувчилар билан ўтказилган очик дарс соати ёшларнинг корей тилини мукамал ўрганаётганлигини яна бир карра исботлади. Дарс якунида саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган ўқувчилар Корей миллий маданият марказининг эсдалик совғаларин билан тақдирланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЮНИСЕФ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛДА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЮНИСЕФНИНГ ТАЪЛИМ ВА ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ДАСТУР ВА ЛОЙИҲАЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Халқаро ташкилотнинг «Болага дўстона муносабатда бўлиш мактаблари» концепцияси Хоразм вилоятининг Хонқа туманида самарали амалга оширилмоқда. Мактаб педагогларининг таъкидлашича, таълим сифатини янада юксалтириш — нафақат маориф тизимининг моддий-техника базасини яхшилаш ва замонавий ўқув дастурларини жорий қилиш балки, мактаб, лицей, коллеж, мактабгача таълим муассасаларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг салоҳиятини янада юксалтириш тамойилларига асосланган муҳитни яратиш ҳам демакдир.

Мазкур концепция болаларнинг самарали билим олиши, шиддат билан ўзгараётган муҳитга мослашишга қўмаклашувчи ҳаётий малага ва кўникмаларни эгаллашга, уларнинг шахс сифатида қамол топишида ниҳоятда зарур ва муҳим бўлган базани яратиш имконини беради.

Концепция мамлакатимизда 1992 йилда рафификация қилинган БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясида кўрсатилган болаларнинг асосий ҳуқуқларини амалга оширади ҳамда «2004-2009 йилларга мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазибалари, талабаларига тўлиқ жавоб беради.

ЮНИСЕФнинг Глобал таълим (ГТ) лойиҳаси эса ўзгариб бораётган ва ўта мураккаб, хилма-хил маданиятлар мавжуд бўлган ҳаётга ўқувчиларни ақлан, маънан, жисмонан, руҳан ривожлантириш йўли билан таълимга мажмуали ёндашишга тайёрлаш назарда тутилди.

Лойиҳа мамлакатимизда 2003 йилдан буюн татбиқ қилинмоқда. Уни амалга оширишга Республика Халқ таълими вазилиги, Таълим маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Сирдарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги 51 та тажриба мактаблари (1,2,5,6-синфлар) жалб этилган. 2006 йилда лойиҳага 3 ва 7-синфлар ҳам киритилди. Глобал таълим ўқув материаллари маҳаллий урф-одатлар, маданият, тарихга ва республикамиздаги мавжуд ўқув методларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган.

Глобал таълим лойиҳасини жойларда амаллаштириш учун миллий команданин 25 аъзоси халқаро маслаҳатчилар томонидан ўтказилган семинар-тренингларда ўқитилди. Республика Таълим маркази қошида лойиҳа бўйича ресурс маркази ташкил этилди. Бу албатта ўз самарасини берди. Жумладан, халқаро маслаҳатчилар ва Миллий команда аъзолари тажриба мактабларида Глобал таълим бўйича семинар-тренинглар ўтказишди. Лойиҳа бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига асосланган 1,2,5,6-синфлар учун 100 дан ортиқ машқлар ишлаб чиқилди. 250 нафар ўқитувчи ўқитишнинг янгилаш усулларини, 150 нафар маъмурий ходимлар мазкур соҳага оид билимларни эгаллашди. Тажриба мактабларининг 460 нафар ўқитувчилари Глобал таълим ташаббусини жорий этишда иштирок этди.

ЮНИСЕФнинг яна бир концепцияси «Тиббиёт муассасаларида болага дўстона муносабатда бўлиш» деб номланади. Педиатрия илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда амалга ошириладиган мазкур кенг қўламли тадбир Фарғона, Тошкент, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри, жами олти мингтадан камраб олади. Лойиҳада 60 та туғруқхона ва 60 та поликлиникада «Тиббиёт муассасаларида болага дўстона муносабатда бўлиш»ни татбиқ этиш режалаштирилган. У туғруқхона ва поликлиникалардаги тиббиёт ходимларининг салоҳиятини янада кўтаришга қаратилган. Лойиҳа татбиқ этиладиган шифохоналар ва биринчи тиббий ёрдам муассасалари ходимларига болаларни кўрак сути билан боқиб бўйича маслаҳатлар берилди, мутахассислар иштирокида семинар-тренинглар ўтказилди.

Маълумотларга қараганда, Хоразм вилоятидаги 22 та туғруқхона ва болалар поликлиникаларида «Тиббиёт муассасаларида болага дўстона муносабатда бўлиш» дастури муваффақиятли татбиқ этилмоқда. 2005-2006 йилларда ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, фақат она сути билан озиқлантириш кўрсаткичи 70 фоизга ортган, болаларни овқатлантириш билан боғлиқ тарзда юзага келадиган касалликлар сони камайган. Масалан, сут безларининг ялигланиши ҳолатлари 15 фоизга, янги туғилган чақалоқларда септик касалликлар кўрсаткичи 77 фоизга, ичак парези касаллиги 65 фоизга ва янги туғилган чақалоқларнинг сарик касаллиги билан хас-таланиши 50 фоизга, иммунизация ўтказишга қарши кўрсаткичлар икки баробарга қисқарган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, чақалоқларни фақат она сути билан озиқлантириш даражаси тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш натижасида кўпайган. Демак, «Фақат кўрак сути билан озиқлантириш» ва «чақалоқлар ва гўдақларни озиқлантириш» стратегиясини янада кенгайтириш зарур.

«Туркстон-пресс»

Ўқув масканларида

БИЛИМ ВА МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА

ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР КОЛЛЕЖИ 1997 ЙИЛ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, УШБУ ЎҚУВ МАСКАНИ ЖАМОАСИ МАЪНАВИЙ ҲИЖАТДАН БОЙ, ЖИСМОНАН ЕТУК ҚИЗЛАРНИ БИР НЕЧА ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ТУРМУШГА ТАЙЁРЛАШ МАҚСАДИНИ ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН.


Коллежда кўплаб малакали ўқитувчилар, фан номзодлари қизларга мутахассисликлари бўйича сабоқ бериб келмоқдалар.

Мана саккиз йилдики, хар йили Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежида мунтазам равишда «Соғлом қиз—соғлом она» шiori остида спорт байрами ўтказилмоқда. Ўқувчиларнинг барчаси турли хил тўғарақларга жалб

этилган. Коллежда «Дуторчи қизлар» ансамбли, «Қалб» ишонч психологик маслаҳат маркази ҳамда 7 та фан, 8 та спорт тўғарақлари ташкил этилган.

3 йилдан бери тиббий-ижтимоий ходим йўналиши бўйича ўқитган ўқувчиларга касалларни парвариш қилиш бўйича даволовчи гимнастика машқлари ўргатилмоқда. Ушбу машқлар чет эллик ҳамкорлар тажрибаси асосида ўрганилиб, амалиётда қўллаб келинмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан коллежда барча иш берувчи ташкилотлар Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод» учун хайрия жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши билан ҳамкорликда икки кун давомида катта байрам тадбири ўтказилди. Тадбир доирасида «Қасблар фестивали», «Соғлом турмуш турзи—давр талаби» мавзuida ўқув-



чиларнинг илмий-амалий конференцияси, ўқувчилар ўртасида «Зукко қизлар» кўрик-танловини, «Соғлом қиз—соғлом она» миллий спорт байрами ҳамда ўқувчи-ёшлар ижросида концерт дастури бўлиб ўтди.

Коллежда узоқ йиллар ишлаб келган фахрий ўқитувчилар, танлов голиблари Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, ўрта махсус, касб-хўнар таълими Маркази, ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси, «Соғлом авлод» учун ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармалари томонидан Фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад маънавий-маърифий соҳадаги амалий ишлар самарадорлигини ошириш, уларнинг таъсирчанлигига эришиш, ўқувчи-ёшларни Миллий истиқлол гоғларини руҳида хар томонлама етук, баркамол инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежидаги тадбир мана шундай қизкарли ўтди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

Киска сатрларда

•ЎТГАН куни Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонаси ташаббуси билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг мактаб ўқувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

•ШАХРИМИЗДА иқтидорли ёшлар ўртасида шахмат бўйича уюштирилган анъанавий VI турнир ўзбек шахматари ривожига муносиб хисса қўшган инсон, тарих фанлари номзоиди, марҳум Мамажон Мухитдинов хотирасига бағишланди.

•ЎТГАН куни Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган бизнес форумда маҳаллий ҳамда жанубий корейлик ишбилармонлар иштирок этишди.

•ЎТГАН куни шахримизда Халқаро Қизил Ярим Ой жаҳияти ташкил этилган кун муносабати билан ўрта махсус касб-хўнар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида уюштирилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

•ҒАФУР Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 26 май куни Ўзбекистон телерадиокорпорацияси Давлат унитар корхонаси ташаббуси билан хомий ташкилотлар ҳамкорлигида «Дилбандим» хайрия акцияси ўтказилди. Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ташкил этиладиган ушбу тадбирдан тушган маблағ меҳрибонлик уйларига сарфланади. ЎТГАН куни хомий ташкилотлар мутасаддилари иштирокида ўтказилган йилгишда ушбу акциянинг бекаму кўст ўтишини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



